
ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

Суднинг қора курсида ўтирган судланувчи Д.С. вилоятимиздаги туманлардан биридаги электр таъминоти корхонасида ҳуқуқшунос вазифасида ишлаб келарди. Нима бўлди-ю, туппа-тузук ишлаб юрган ҳуқуқшуноснинг юрагига шайтон ғулғула сола бошлади: ўз мансаби ва ваколатларидан фойдаланиб, бировларни чув туширишга бел боғлади. ўзганинг мулкани алдов ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишни мақсад қилди.

Ана шундай кунларнинг бирида тумандаги фермер хўжаликларидан бирида ўтказилган назорат-текширув тадбирлари давомида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланганлик ҳолати ва бунинг ортидан давлат ва жамият мулкига 3.400.000 сўм миқдорда зарар етказилганлигидан хабар топди. Нафси ҳақалак отган ҳуқуқшунос фермер хўжалиги раҳбари билан учрашиб, уни аслида етказилган зарар миқдори 3.400.000 сўм эмас, балки 27.000.000 сўмни ташкил этишига ишонтиради. Ўзаро суҳбат асносида ҳуқуқшунос фермер хўжалиги раҳбарига шипшиди:

- Агар 300 “кўки”дан берсангиз, МИБ ходимига айтиб, зарар миқдорини тушириб беришим мумкин...

Шу тариқа, судланувчи фермер хўжалиги раҳбарининг 2.575.356 сўм қийматни ташкил этувчи 300 АҚШ доллари миқдоридagi пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади-ю, берган ваъдасини унутади.

Фирибгарга алданган фермер хўжалиги раҳбари Б.Б.нинг аризасига кўра, ҳолат бўйича бошланган дастлабки суриштирув-тергов жараёнлари қисқа муддатларда яқунланиб, мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган.

Одамларни алдаб шахсий бойлик орттириш ниятида бўлганлардан яна бири қувасойлик Ш.Л.дир. У муқаддам бир неча бор судланиб, қонунан “хавфли рецидивист” деб топилган. Шундай бўлса-да, жабрланувчи Р,Р.ни ҳар килоси 360 сўмдан, жами 20 тонна цемент маҳсулоти олиб бериш ҳақидаги ёлғон ваъдаларига ишонтириб, фуқаронинг ишончини смуиистеъмол қилиб, унинг оз эмас-кўп эмас, нақд 7.004.940 сўм қийматни ташкил этувчи 835 АҚШ доллари пул миқдоридagi пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган. Қўлга киритилган маблағларни чўнтагига урган Л.Ш. берган ваъдасининг устидан чиқмай, маҳсулот етказиб беришни пайсалга солиб юраверган. Мазкур ҳолат бўйича ҳам тўпланган материаллар мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг ҳукмига кўра, ҳар икки фирибгарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жазо муқаррарлиги тайинланди...

С.ЮЛДАШЕВ, жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг раиси.

А.МИРЗАБОЕВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

2020-01-28 16:11:09